

Ўзбекистон яна бир соҳада импортчидан экспортчига айланди

Баҳорги янгиликлар байрами — Наврўз арафасида пойтахтимизда улкан саноат мажмуи ишга тушди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компаниясининг Тошкент йўловчи вагонларини таъмирлаш заводи фойдаланишга топширилди. 15 март куни Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов ушбу мажмуага ташриф буюрди.

Илгари бу завод ўрнида вагонларни депо даражасида таъмирлайдиган мўъжазгина корхона бўлар эди. 1996 йили Ўзбекистон ҳукумати билан Япониянинг Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида кредит битими имзоланди. Мазкур корхонани замонавийлаштириб, йўловчи вагонларни таъмирлаш заводида айлантириш мақсадида Япониядан 6,102 миллиард йен миқдорда кредит олинди. 1998 йили эълон қилинган тендер натижасида эса Япониянинг «Мерубени» корпорацияси бош пудратчи этиб танланди. Қисқа вақт давомида Германия, Япония, Нидерландия, Польша, Буюк Британия, Финляндия ва Канададан замонавий ускуналар, йиғирма бешта вагон, эҳтиёт қисмлар келтирилди. Заводага ўрнатилган ускуналарнинг барчаси оқори технологияларга асосланган ҳолда ишлайди.

Заводада айна ҳалта 800 киши меҳнат қилмоқда. 2002 йилда корхона тўла қувват билан ишлаш бошлаган, ишчилар сонини 1280 нафаргача етди. Ушундан йилга 450 тагача вагонни элипти таъмирлаш мумкин бўлади. Бу йил эса корхона ишчилари 200 донга вагонни таъмирлаш ниятида.

Президент Ислоом Каримов янги мажмуа билан танишар экан, аввало, унинг нечоғли фойдаланилиши, харажатлари қоплаш имкониятлари ҳақида мутасадди раҳбарларнинг фикри билан қизиқди. Қарийб 60 миллион АҚШ доллари сарфланган корхонанинг келажакда қарзини узиш ва фойда келтириш учун имкониятлари етарлими, деган ўринли савол турлиши табиий. Дейлик, Ўзбекистонда тахминан 1100 донга вагон бор. Тўла қувват билан ишлаганда икки йилда мамлакатнинг завод хизматида эҳтиёж тугайди. Таъмирланган вагон камидан беш йилдан кейингача янги таъмирлаш муҳтож бўлади. Демак, хизматни экспорт қилиш, айниқса, қўшни давлатлардан харидор топиш керак. Мутасадди раҳбарларнинг таъкидлашича, айни вақтда бу йўналишда фаол иш олиб боришмоқда. Заводада харидор топиш учун имконият катта. Зеро, Марказий Осиёда бошқа бундай корхона йўқ. Анниқроғи, Ўзбекистон вагон таъмирлаш борасида ўзига хос монопол давлатга айналди. Алоҳида таъкидлаш лозим бўлган яна бир муҳим гап шуки, илгари вагонларимиз 50-70 миң АҚШ доллари эвазига Россияда таъмирланар эди. Энди катта миқдордаги

валюта ҳам тежаладиган бўлди. Масаланинг бевосита молиявий томониغا ўтсак, қарзини қайтаришда ҳам қўлайлик мавжуд. Кредит имтиёзли бўлиб, 2006 йилдан бошлаб 20 йил давомида қайтарилади. Бу орада эса корхона янги соҳаларини ўзлаштириши мумкин. Эҳтиёт қисмларнинг 25-30 фоизгина четдан келтирилади. Ишлаб чиқариш тўла маҳаллийлаштирилиши мумкин. Шунингдек, бу улкан мажмуада трамвай, троллейбус, автобус ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятлари ҳам йўқ эмас.

Президент Ислоом Каримов янги заводнинг бўяш, ёғочни қайта ишлаш ва таъмирлаш цехларидаги иш жараёни билан танишди. Ишчилар билан суҳбатлашди. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси корхоналарида ишлаб чиқарилган эҳтиёт қисмлар кўргазмаси, янги таъмирланган вагонларни кўздан кечирди. Президент вагонларни қайта таъмирлашда хозирги кунда юзга яқин саналган дизайнга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди.

Таъкидланганидек, корхонанинг ўз фаолият қўламини кенгайтириш имкониятлари катта. Масалан, ёғочни қайта ишлаш цехида уй-рўзгор буюмлари, мебель ишлаб чиқариш мумкин. Аммо, давлатимиз раҳбарининг диққатини тортган масала, аввало, ишнинг сифати билан боғлиқ бўлди. Ислоом Каримов бу ерда бажарилган ҳар бир иш сифати жиҳатидан замон талабларига тўла жавоб бера оlish лозимлигини таъкидлади, самарадорлигини янада ошириш борасидаги тақлифларини айтди.

Янги заводга ташриф чоғида Президент Ислоом Каримов «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан тайёрланган янги лойиҳалар билан ҳам танишди. Бу лойиҳалар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, Ўзбекистондаги темир йўл тармоқларини ривожлантириш ва бошқа муҳим тадбирларни ўз ичига олган. Мамлакатимиз раҳбари Ангрэн-Поп йўналиши бўйича темир йўл қуриш, Тошкент-Самарқанд йўналишида тезорат поезд қатновини ташкил этиш сингари қизиқарли лойиҳалар бўйича ўз фикрларини баён этди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодийнинг яна бир муҳим соҳасини тўла ўзлаштиришга киришди. Бу ҳар бир муболагасиз мамлакатимиз раҳбари узоқни қўзлаб юратибётган ишчиларнинг самарасидир. Зеро, Ўзбекистонда хорижликлар билан кенг ҳамкорлик қилиш, тадбиркорлик, янгиликлар учун катта имкониятлар яратилган. Бундай омиллар, албатта, ўзининг яхши самарасини бермоқда. Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводининг қисқа муддатда қурилишига туширилгани бу фикрнинг навбатдаги исботидир.

Анвар БОБОЕВ,
УЗА мухбири.

Наврўз цашидаси



ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Шаҳримизга орасталик ярашади

Шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган Хувайдо маҳалласи ҳам Наврўз умумхалқ байрами олдидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги қизгин ўтказилмоқда.

— Умрбўкии ва гўзал байраминингиз ҳаммаёқни ораста, саранжом-саришта қилиб кўтиб олишга маҳалламизнинг ҳар бир кишиси ўз улушини қўшади, — дейди Хувайдо маҳалласи фуқаролар йиғинининг раиси Олимжон Нурматов. — Шанба ва ақшоб куни катта ҳашар ўтказдик. Маҳалламиз атрофлари, кўчалар тозаланиб, дарахлар тартибга келтирилди, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, атроқлар ва бошқа гул кўчатлари ўтказилди. Маҳалламиз ҳудудига жойлашган 169-мактаб, 39-поликлиника, новобнона, сартарошхона жамоаси ҳам маҳалла билан биргаликда умумхалқ ҳашарида бажониди катнашиб маҳалламизнинг янада обод ва кўкаламзор бўлишига ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Шоҳида МАХМУДОВА

Қисқа сатрларда

- **БУГҲ** Ўзбекистон Республикаси Мустақилликнинг 10 йиллиги ва Наврўз байрамига бағишлаб ёш ҳунармандлар ўртасида ўтказилаётган «Қўли гул уста» танлови Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида бўлиб ўтди.
- **ПОЙТАХТИМИЗДА** Ғи Республика «Саломатлик» марказида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Япониянинг Ривожланиш агентлиги ҳамойлигида «Жамиятда соғлиқни сақлаш ишларида тиббиёт ҳамшираларининг роли» мавзусида танлов ўтказилди.
- **РЕСПУБЛИКА** кўзи оғирлашган жамиятда янгиликлар ва яшириш байрами Наврўз арафасида хайрият тадбири бўлиб ўтди.
- **ОНАЛАР** ва болалар

йили ҳамда Наврўзи олам муносабати билан Юнусобод туманидаги «Обод» маҳалласида фаоллар иштирокида ўтган тадбирга йиғилганлар 239-мактаб ўқувчилари ижро этган баҳор ҳамда Наврўз ҳақидаги шеър-қўшиқлардан баҳраманд бўлишди.

• **ИСТИКЛОЛ** шарофати билан юртимизда ۋашларни айниқса қобилиятли ўсмирларни ҳар томонлама билимдон ва маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Акмал Икромов туманидаги 106-мактабда тумандаги техникага иқтидор банд ўсмирлар ўртасида ўтган танлов юқоридаги фикримиз далилидир.

• **ЎЗБЕКISTON** футбол федерацияси Республика Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда «Ватан ўғлонлари Кубог» футбол мусобақаларини ўтказди.

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Кимё саноатини бошқариш тузилмасини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.
- Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитасида «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Наманган вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинди.
- **Кеча** Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг қўша мажлисида «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.
- Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида кенгашнинг хотин-қизлар шўбаси ва «Ўзбекистон-Япония» дўстлик жамияти томонидан Оналар ва болалар йиллига бағишланган тадбир ўтказилди.
- **ЎЗКИМЭС**аноат» уюшмаси билан АҚШ Савдо ва тараққиёт агентлиги ўртасида Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасига грант ажратиш ҳақида битим имзоланди.
- «Тошсиккоммунэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Германиянинг «Ценнер» концерни муассислигида ташкил этилаётган «Тошкент-Ценнер» қўша корхонасининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди.
- **Бугун** пойтахтда санъат фахрийларининг Наврўз байрамига бағишланган учрашуви ўтказилди.
- «Ўзбектеелефильм» киностудияси ижодкорлари томонидан суратга олинган таниқли олимга, тиббиёт фанлари доктори, профессор М. Абдуллаҳужаевага бағишланган ҳужжатли фильм премьераси бўлиб ўтди.
- Жиззаҳадаги олимпия заҳиралари коллежининг спорт мажмуида 1980-1984 йилларда туғилган ёшлар ўртасида самбо кураши бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари ўтказилди.

Жаҳонда

- Дамашқда Сурия Президенти Башар Асад, Иордания подшоҳи Абдулло Иккинчи ва Миср Президенти Хусний Муборак ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Исроил билан чегарадош бўлган бу уч мамлакат раҳбарлари 27-28 март кунлари бўладиган умумароқ саммитига тайёргарлик масалаларини муҳокама қилди.
- Японияда партияларнинг Бош вазир Йосиро Морининг истеъфода чиқиш тўғрисидаги талаби мамлакат парламентида кўриб чиқилди. Унга кўра, 243 нафар парламент аъзосидан 138 киши И. Морини ёқлаб овоз берди.
- **Кеча** Украина Президенти Л. Кучма ташриф билан Польшага йўл олди. Бирок Украинанинг ўзида Президентнинг истеъфосини талаб қилувчи намойишлар бўлиб ўтмоқда. Шу муносабат билан Польша Президенти А. Квасневский Украина маъмури ва унинг муҳолифчилари ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришда ўзининг воститачилик қилиш тақлифини айтди. Ҳозирча томонлардан ҳеч қайсиси ана шу тақлифга жавоб қайтармади.
- Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгашининг котиби С. Иванов Вашингтонда АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси К. Райс ва АҚШ Давлат котиби К. Пауэлл билан халқаро хавфсизлик масалалари ҳусусида музокаралар олиб борди.
- **Кеча** Ялтада БМТ Бос котибининг махсус вакили Д. Боден иштирокида грузин-абхаз можаросини барқарорлаштириш юзасидан учрашув бошланди.
- **Кеча** МДХ мамлакатларида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўни нишонланди.
- **Кеча** «Внуково авиациялиши»га қарашли бўлган Истанбулдан Москвага парвоз қилаётган «Ту-154» самолёти осмонга кўтарилгандан кейин бир неча дақиқа ўтган тахминан икки-уч ченен террорчилари томонидан қўлга олинган. Самолётни олиб қочган совуқ қурол ва граната билан қуролланган ака-ука Арсаевлар экипажни йўналишини ўзгартириб, Саудия Арабистонига йўл олишга мажбур қилганлар. Бортида 162 йўловчи ва экипажнинг 12 аъзоси бўлган самолёт бир неча соат ўтган Мадина шаҳри аэропортига келиб қўнди. Террорчилар билан музокаралар олиб борган саудиялик маъмурларнинг вакиллари террорчилар Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишни ва яқинда ҳисбга олинган қариндошларини озод қилишни талаб этаётганликларини хабар қилдилар. Орадан бироз вақт ўтган катта миқдордаги пул талаб қилиш ҳусусидаги маълумотлар ҳам келди. Жиноятчилик ўз режаларининг жиддийлигини билдириш тариқасида у йўловчини жароҳатлади. Ундан олдинроқ борт кузатувчиси А. Хромов улар билан олишушда оғир жароҳатланди. Сўнги маълумотларга қараганда самолётни олиб қочганлар кексалар, аёллар ва болалардан иборат гаровга олинган 17 кишини қўйиб юборишга рози бўлишди. Яна бир неча йўловчи самолётдан қочишга улгурди. Шу нарса аён бўлдики, саудиялик маъмурлар гаровдагилар билан бўлган самолётга ҳужум қилишга қарор қилганлар.

«Офарин»нинг янги совриндорлари

Аввал хабар қилганимиздек, пойтахтимизнинг мухташам «Халқлар дўстлиги» саройида «Офарин» республика танлови фойдаларини тантанали равишда тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Қошонага йўлланган санъат шайдолари Президентимиз Ислоом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мажмур нуфузли танлов номзодлари ва фойдаларини чин кўнгилдан олишларидир.

Таниқли адиблар, машҳур спортчилар, санъатимизнинг юксак намояндалари ана шундай гулдӯр қарсақлар остида фойдаларга ҳумо қуши тимсоли — «Офарин» мукофотини топширдилар. Бошқача айтганда, афсонавий бахт қуши юртимиз ижодкорларидан яна янгира бир нафарининг бошига «қўнди». Мукофотланганлар Ватанимизда ижод аҳли учун улкан имкониятлар яратиб берилгани учун Юртобшчимизга, халқимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

(УЗА)

(«Офарин-2001» совриндорлари билан газетанинг 2-бетига танишасиз).

Биринчи миллий интернет фестивали якунланди

Тошкентдаги Алишер Навоий номи Даулат академик Катта театрида «INTERNET.UZ» — биринчи миллий интернет фестивали якунларига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Фестиваль мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятини, илгор технологияларга, жумладан, интернетга бўлган қизиқиши миқёсини намоян этди ва бу соҳада ишлаётган истеъдодли мутахассисларнинг фаоллигини ошириб, интернетни Ўзбекистонда янада оммалаштиришга хизмат қилди.

Биринчи миллий интернет фестивалига 17 йўналиш бўйича 164 муаллимнинг 213 иши тавсия қилинган эди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, тақрибли, профессионал мутахассислар билан бир қаторда, еш йигит ва қизлар ҳам фестивалда фаол иштирок этдилар.

Яъни, фестивал ёшларимизнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билим ва маҳоратлари намойишга айналди.

Фестивалининг ютуқларидан яна бири — Ўзбекистондаги интернет сайтларининг миқдори ушбу тадбир жараёнида 20 фоизга ошди. Мавжудларнинг 50 фоиздан кўпроги янгиланди. Яъни, жаҳон интернет тизимидаги Ўзбекистон миллий ахборот сегменти янада бойиди.

Ҳақамлар хайратга қарорига биноан «INTERNET.UZ» фестивалининг қуйидаги йўналишлари бўйича глобалар аниқланди ва улар соврин ҳамда қимматбахо совғалар билан тақдирландилар.

НАВРЎЗ нашидаси

МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИЛАДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан шаҳардаги кам таъминланган оилаларга, уруш ва меҳнат ноғиронлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун кўрсатиладиган меҳр-мурувват тадбирларини ишлаб чиқди.

Ушбу тадбирларда кўзда тутилган саховат ишларини изохлаб бериш учун Тошкент шаҳар ҳокимлигини ўринбосари Эркин Эрназаровга мурожаат этдик.

— Эркин Мадийрович, Наврўз байрами муносабати билан шаҳар ҳокимлиги белгиланган тадбирларда энг аввало Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига меҳр-мурувват кўрсатиш кўзда тутилган экан.

— Шунингдек қайд қилиб ўтиш керакки, халқимизнинг энг улуг ва энг қутлуг байрами Мустақиллик куни ҳамда Наврўз байрами арафасида шаҳарда меҳр-мурувват тадбирларини ўтказиш аънаанага айланиб қолди.

Бунда биринчи галда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига саховат кўрсатилади. Мана кўп йиллардан бери уларга бу байрамлар арафасида Президентимиз номидан совғалар улашилади. Ҳар йили икки мартаба ҳар бир тарбияланувчига бош-оёқ сарупо, шунингдек Меҳрибонлик уйлари учун зарур жиҳозлар тўхта этилади. Бу йилги Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ўтказиладиган навбатдаги меҳр-мурувват тадбирларида шаҳардаги 5 та Меҳрибонлик уйда тарбияланаётган 850 нафар ўғил-қизларимизга умумий қиймати 16,4 миллион сўмлик тўла устки кийим-кечак, пойабзал, шунингдек бошқа зарур анжомлар топширилади.

Меҳр-мурувват тадбирларида кам таъминланган оилалар, яққа, ёлғиз, муҳтож ва ноғирон фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш кўзда тутилган. Шу билан бирга жойларда байрам дастурхонлари ёзиш, сумалак, ҳалим, бошқа баҳорий таомлар, ош тортиш режаланган.

— Наврўз сайли иштирокчиларини сумалак билан сийлаш одат тусига кирган эди. Бу йил ҳам шундай бўладими?

— Шаҳар савдо департаменти ўз имкониятларидан келиб чиқиб, сумалак тайёрлаб, Наврўз байрами асосий томошаси қатнашчилари, пойтахтликларга, меҳмонларга уни бепул тарқатишни ўз зиммасига олди. Жойларда шу билан бирга 20 минг кишига байрам дастурхонлари ёзилади.

— Меҳр-мурувват тадбирлари шаҳар туманларида қандай кечади?

— Барча туманларда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади. Ушбу мақсад учун туманларимиз 10 миллион сўм миқдорда маблағ ажратишган. Шунингдек, ҳар бир маҳаллада байрам дастурхонлари ёзилади, муҳтож оилаларга совға-саломлар берилди. Шу билан бир қаторда туманларимиз ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бошқа меҳр-мурувват тадбирларини ҳам амалга оширдилар.

— Саховат ишларида бошқа ташкилотлар ҳам қатнашадиларми?

— Шаҳар қасаба уюшмалари кенгаши кам таъминланган оилалардаги 300 кишига саломатликларини тиклаш учун имтиёзли йўлланмалар беришни ҳамда 10 минг фуқаро учун байрам дастурхони ёзишни режалаштирган. Ижтимоий таъминот бошқармаси ноғирон, муҳтож кишиларга ноғиронлик аравачалари, кулоқ эшитиш мосламалари, қўлтиқ таёқ, хасса, қўйинги, жами 6 миллион сўмлик зарур анжомларни ҳада этди.

— Шаҳардаги хайрия ташкилотлари, жамғармаларининг ушбу тадбирлар доирасидаги меҳр-мурувват ишлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими кам таъминланган ва муҳтож 20 минг кишига моддий ёрдам кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Байрам кунлари Кизил Ярим Ой жамиятининг шаҳар бўлими 500 кишига, «Меҳр-мурувват ва саломатлик» жамғармаси 120 оиллага, ёшларнинг «Қамолот» жамғармаси 150 кишига саховат кўрсатади. Ушбу тадбир доирасида кўплаб бошқа ташкилотларнинг иштироки эътиборини ҳам кўзда тутилган.

Қисқа қилиб айтишда бўлса, меҳр-мурувват тадбирларида шаҳар бўйича 83 мингдан зиёд кишини камраб олиш, уларга 150 миллион сўмга яқин маблағ миқдорда мурувват ёрдами кўрсатиш белгиланган.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
хузуридаги Матбуот хизмати.

«Офарин-2001» йилнинг энг яхши ижодкори республика танлови ғолиблари



1. «Адабиёт ва журналистика» йўналиши «Йилнинг энг яхши ёзувчиси» номинацияси

Хуршид Дўстмуҳаммад — «Бозор» романи, «Хижроним мингдир менинг» қиссаси ва ҳикоялар тўплами ҳамда «Озод изтироб қувончлари» публицистик мақолалар китоби учун.

«Йилнинг энг яхши шоири» номинацияси

Матназар Абдулҳаким — Миллий тафаккур ғоялари билан йўғрилган туркум шеърлари учун.

«Йилнинг энг яхши болалар ижодкори» номинацияси

Сафар Барноев — «Менинг муаллимим» достони, ҳикоялар, шеърлар ва публицистик мақолалар туркуми учун.

«Йилнинг энг яхши драматурги» номинацияси

Одил Ёқубов — «Бир қошона сирлари» пьесаси учун.

«Йилнинг энг яхши журналисти» номинацияси

Иброҳим Раҳим — «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган туркум мақолалари учун.

2. «Кино ва телевидение санъати» йўналиши «Йилнинг энг яхши кинорежиссёри» номинацияси

Собир Назармуҳамедов — «Чаёнгул» бадиий фильми режиссураси учун.

«Йилнинг энг яхши телерадио режиссёри» номинацияси

Баҳром Ёқубов — «Миллат қайғусидан, халқ дардидан яралган...» видеофильми режиссураси учун.

«Йилнинг энг яхши кинооператори» номинацияси

Рифқат Ибрагимов — «Пари момо» бадиий фильмини суратга олишдаги операторлик иши учун.

«Йилнинг энг яхши телеоператори» номинацияси

Шўхрат Муталов — «Мен элимнинг юрагида яшайман» туркум видеофильмини суратга олишдаги операторлик иши учун.

«Йилнинг энг яхши киноактёри» номинацияси

Хайрулла Саъдиев — «Алпомиш» бадиий фильмидаги Тойчаҳон роли ижроси учун.

«Йилнинг энг яхши киноактрисаси» номинацияси

Мадина Мухторова — Кино ва телевидениеда яратган аёллар образлари туркуми учун.

3. «Театр, мусиқа ва тасвирий санъат» йўналиши «Йилнинг энг яхши театр режиссёри» номинацияси

Олимжон Салимов — Й. Охунбоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган «Боз масҳарабоз» спектакли режиссураси учун.

«Йилнинг энг яхши театр актёри» номинацияси

Валерий Цветков — Ўзбекистон Академик рус драма театрида саҳналаштирилган «Ҳар тўқисда бир айб» спектаклидаги Крутицкий роли ижроси учун.

«Йилнинг энг яхши театр актрисаси» номинацияси

Турсун Қайипназарова — Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мусиқий театрида саҳналаштирилган «Ота тақдири» спектаклидаги Улжон роли ижроси учун.

«Йилнинг энг яхши хонандаси» номинацияси

Муножот Йўлчиева — Мумтоз кўшиқларни юксак маҳорат билан ижро этганлиги ва санъатимизнинг хорижда тарғиботи учун.

«Йилнинг энг яхши бастакори» номинацияси

Анвар Эргашев — Янги кўшиқлар ва куйлар туркуми учун.

«Йилнинг энг яхши созандаси» номинацияси

Адиба Шарипова — Юксак ижрочилик маҳорати учун.

«Йилнинг энг яхши рассоми» номинацияси

Жамол Усмонов — «Рух ва ҳаёл» кўргазмаси доирасида намойиш этилган асарлари учун.

«Йилнинг энг яхши амалий санъат устаси» номинацияси

Алишер Нарзуллаев — Ғиждувон кулолчилик мактаби аънаваларини тиклагани учун.

«Йилнинг энг яхши дизайнери» номинацияси

Холида Комилова — Ўзбекистон миллий либоси дизайнини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва аёллар учун миллий матолардан яратилган либослар тўплами учун.

«Санъатга баҳшида умр» номинацияси

Абдулҳақ Абдуллаев, Ўзбекистон халқ рассоми — Ўзбек миллий санъати ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун.

Қутқарув хизматига — янги автоуловлар

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра пойтахт қутқарув хизмати ташкил этилганига ҳам икки йил тўлди. Ҳозирги кунда эллик икки нафар юқори малакали альпинист, спортчи, сувда қутқаришга ихтисослашган қутқарувчилар тўрт сменада туну кун ҳамшаҳарларимиз хизматида — ёнғин, авария ва бошқа фавқулодда ҳолатлар юз берганда доимо ҳозир нозирлар.

КЕЧА

шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасида пойтахт қутқарув хизматига Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ажратилган ва барча замонавий техник

ҳамда қутқарув анжомлари билан жиҳозланган учта махсус автоуловлар топширилди. Тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Рустам Шоабдурах-

монов қутқарув хизмати ходимларига маъсулиятли ва мураккаб фаолиятларида омад тиласи.

Шаҳар қутқарув хизматидаги мавжуд олтига махсус автомашинага яна учта замонавий автоуловларнинг қўшилиши қутқарув хизматини янада такомиллаштириш, фавқулодда вазиятлар юз берганда тезда етиб келиб зарур ёрдамни бериш имкониятларини янада оширади.

Даврон ИСМАТОВ



Душанба

19

Телеомошинлар диктанти. Профилактика мундарибта била дунда...

16.05 FCN «Узбекистон тили» (инглиз тилида) 16.15 «Муътаҳарлар»...

11.00, 17.00, 0.55 — Янгиликлар 11.10 ТВ-6 кинотеатри...

17.30 В. Золотухин, «Каспий уиси» эстра парвози дастурда...

Сешанба

20

10.20 «Наврӯзи олам» 10.40 «Даллас» Теле...

16.25 «Клип-антракт» 16.30 «Вести» 17.00 «Экспедиция»...

22.30 Россия - аввалида. Хужжатли сериал...

13.15 «Дата» телеканали 14.15 «Она бери» теле...

Чоршанба 21

АССАЛОМ НАВЪЗИ ОЛАМ

15.30 «Бахт гуллари». Телевизион бадийи фильм...

«НАВЪЗИ» теледустори соат 6.00 дан 1.30 гача наолишти этилади...

9.25 «Янги кун соғинчлари». Алишер Навоий номидаги мильял боғдан...

7.50 Байрам табриги. 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр». Ахборот дастури...

4

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Мульт'чархпалак».

15.00 «Янги кайфият». Дам олиш дастурининг байрам сони...

9.25 «Янги кун соғинчлари». Алишер Навоий номидаги мильял боғдан...

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05 «Телемакор». Фойдали газета...

ТВ

7.00, 8.00 — «Бугун эртта». 7.20, 8.40, 18.30 — Узама вал...

10.20 Кино олами. У. Битти ва Ж. Николсон ва Д. Маркс «Кизиллар» фильмида...

8.00, 9.00, 15.05 — «Кундан кунга». 8.15 «С. П. — 0.35, 4.10 — Йул назорати».

9.00, 19.00 REN TVда «Fox Kids». «Икс-мен» мультсериали...

ТВ

7.00, 8.00 — «Бугун эртта». 7.20, 8.40, 18.30 — Узама вал...

10.20 Кино олами. У. Битти ва Ж. Николсон ва Д. Маркс «Кизиллар» фильмида...

8.00, 9.00, 15.05 — «Кундан кунга». 8.15 «С. П. — 0.35, 4.10 — Йул назорати».

9.00, 19.00 REN TVда «Fox Kids». «Икс-мен» мультсериали...

ТВ

7.00, 8.00 — «Бугун эртта». 7.20, 8.40, 18.30 — Узама вал...

10.20 Кино олами. У. Битти ва Ж. Николсон ва Д. Маркс «Кизиллар» фильмида...

8.00, 9.00, 15.05 — «Кундан кунга». 8.15 «С. П. — 0.35, 4.10 — Йул назорати».

9.00, 19.00 REN TVда «Fox Kids». «Икс-мен» мультсериали...

Пайшанба 22

АССАЛОМ НАВЪЗИ ОЛАМ

15.30 «Бахт гуллари». Телевизион бадийи фильм...

«НАВЪЗИ» теледустори соат 6.00 дан 1.30 гача наолишти этилади...

9.25 «Янги кун соғинчлари». Алишер Навоий номидаги мильял боғдан...

7.50 Байрам табриги. 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Давр». Ахборот дастури...

4

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Мульт'чархпалак».

15.00 «Янги кайфият». Дам олиш дастурининг байрам сони...

9.25 «Янги кун соғинчлари». Алишер Навоий номидаги мильял боғдан...

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05 «Телемакор». Фойдали газета...

ТВ

7.00, 8.00 — «Бугун эртта». 7.20, 8.40, 18.30 — Узама вал...

10.20 Кино олами. У. Битти ва Ж. Николсон ва Д. Маркс «Кизиллар» фильмида...

8.00, 9.00, 15.05 — «Кундан кунга». 8.15 «С. П. — 0.35, 4.10 — Йул назорати».

9.00, 19.00 REN TVда «Fox Kids». «Икс-мен» мультсериали...

ТВ

7.00, 8.00 — «Бугун эртта». 7.20, 8.40, 18.30 — Узама вал...

10.20 Кино олами. У. Битти ва Ж. Николсон ва Д. Маркс «Кизиллар» фильмида...

8.00, 9.00, 15.05 — «Кундан кунга». 8.15 «С. П. — 0.35, 4.10 — Йул назорати».

9.00, 19.00 REN TVда «Fox Kids». «Икс-мен» мультсериали...

ТВ

7.00, 8.00 — «Бугун эртта». 7.20, 8.40, 18.30 — Узама вал...

10.20 Кино олами. У. Битти ва Ж. Николсон ва Д. Маркс «Кизиллар» фильмида...

8.00, 9.00, 15.05 — «Кундан кунга». 8.15 «С. П. — 0.35, 4.10 — Йул назорати».

9.00, 19.00 REN TVда «Fox Kids». «Икс-мен» мультсериали...

Яхши одамларнинг қисқа умрларидан мангуликлар қолади. Хотира — инсоннинг пок қалбидаги буюқ ҳислардан бири. Халқимизда инсон хотираси энг муқаддас саналиб, доимо эъзозланиб келинади. Одамдан қоладигани — хотирадир.

Ҳа, ораимизда шундай азиз инсонлар яшаб ўтганларки, улар қисқа, аммо мазмунли умрларида фақат эзгу ишлар қилиб, яхши ном қолдирганлар. Ана шундай сиймолардан бири, камтарин ва самимий инсон, таниқли шоир ва ёзувчи Анвар Эшоновдир. Афсус, Анвар ака бугун ораимизда йўқ. Лекин Анвар Эшоновни билмайдиган, танимайдиган, унинг ёркин, кўнгилга яқин қуйма сатрлари, ажойиб ҳикоя ва достонларини ўқимаган киши топилмас керак.

Анвар акани газета, журнал таҳририятларида, радиокомпанияда жуда кўпчилик танир, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлишни хоҳловчилар кўп бўларди. Дўсту биродарлари у кишини: «Анвар суҳбати жонон йигит-да» дея ҳурмат билан эслашарди.

— Анвар Эшонов табиатан ҳокисор, ақли чакмакдай ўткир, ҳазилга бой инсон эди, — дея ҳурмат билан эслайди яқин дўстларидан бири, ёзувчи ва журналист Алиназар Эгамназаров. — У киши билан учрашув, ҳамсуҳбат бўлиш ҳамкасблари учун байрамга айланарди. Одатда инсон оламдан ўтгач, тирикчилигидаги яхши амаллари, айтган ажойиб сўзлари эсланади. Истеъдодли ижодкор Анвар Эшоновнинг қалбидан сирқираб чиққан, юксак бадий савияда ёзилган кўплаб шеърлар, ҳикоялар, очерклари у кишидан ноёб ёдгорлик бўлиб қолди.

Қоралиғи ишқимдан куя қолди қалдирғоч, То мусоғир хотирам учра сарсон бу кўнгул. Қайда, қайси бўғотга яч солди қалдирғоч, Қалдирғочим, лоқал энди ашқимга кўнгил?!

Анвар Эшоновнинг қалблари ларзага солувчи, чуқур ўйга толдирувчи жўшқин ва таъсирчан шеърларини шунчаки ўқиб бўлмайди. Ниҳоятда берилиб, мазмунини чуқур ҳис қилиб ўқийди киши. Унинг қаламига мансуб «Улар ўн бир киши эди» қиссаси, «Европада қолган қабрлар», «Йигирма миллион олпоқ қабутар», «Бу йўллар», «Бир оғиз сўз» сингари ҳикоялар тўпламларидан асосан уруш, унинг инсоният бошига солган қулфатлари тўғрисида куюниб ёзади. «Дунё севги ёшида», «Нон исси» ва бошқа шеърий тўпламларида эса инсонийлик, меҳр-оқибат, садоқат, она-Ватанимизни чин дилдан мадҳ этади.

Анвар ака шеър майдонига сўзларининг қуюқ ранглари, тўлишган маънолари, тимсолу нисбатлари билан кирган. У гапирганда ҳам нисбатлар, ўхшатишлар, қиёслар билан ўзбекона, халқона йўлда гапирарди.

Бесабаб эмасдир чаккадаги оқ, Ё киприк остига тортилган қизик, Олам ташвишлари худди ўша чоқ, Аёл юрагига кирмоқда сизиб...

Адабиёт майдонига ўз овози, ўз қалами билан кириб келган тугма истеъдод соҳиби Анвар Эшонов асарларининг мағзи тўқ, фалсафаси тегин, жўшқин ва қандайдир вазмин оҳанглар билан тўлиқ. Унинг «Дутор», «Европада қолган қабрлар», «Регистон», «Нон исси», «Йигирма миллион оқ қабутар» сингари китоблари китобхонларнинг маънавий мулкига айлиниб қолган.

Анвар Эшонов ҳушчақчақ, ҳазил-мутойибага



Яхшилик — умр зийнати

моҳир, сўзамол инсон эди. у «Сирдарё ҳақиқати», «Ўзбекистон овози», «Ишонч» газеталарида ва Ёзувчилар уюшмасида, Ўзбекистон радиосида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, дўстлари орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Давраларга файз киритиб, барчанинг кўнглига йўл топа олди.

— Анвар ака жуда ҳам ҳокисор, камтарин, меҳрибон инсон эдилар, — дея ҳурмат билан хотирлайди у кишининг рафиқалари Рашидахоно опа. — Оллоҳ раҳмат қилсин, у киши доимо камтар, тўғриси, дўстларига ёрдам беришни ўйлайдиган, меҳнатсевар, жонқуяр эдилар. Ойлада ҳам кўпроқ болалар тарбиясига катта эътибор бериб, уларни ҳақиқий инсон, зиёли ва меҳнатқаш, одобли, етук ва баркамол инсонлар бўлиб етишишни орзу қилардилар. Шўқр, уч фарзандимиз Ойбек, Нодирахон, Элбек оталари орзу қилгандек зиёли, элга нафи тегадиган фарзандлар бўлиб етишишди. Кўшнларимиз ҳам у кишини доим ҳурмат билан эслашиб: «Анвар ака жуда оқкўнгил, ширинсухан инсон эдилар» дея хотирлашади. Умрларининг сўнгги дақиқаларида ҳам дўстлари даврасида, ижод билан банд бўлдилар. Анвар ака охириги пайтларда «Унутилган кўшиқлар» шеърий тўпламларини нашрга тайёрлашни ўйлаб юрган эдилар. Афсус орзуларига етолмадилар. Лекин, фарзандларимиз бу ниятларини охирига етказмадилар, албатта...

Ҳа, эзгуликларга хизмат қилган кишилар хотираси абадий яшайди. Анвар Эшонов сингари фидойи инсонлар хотираси уни билган, таниган дўст-қадрдонлари, яқинлари қалбида мангу яшайди. Зеро, бу дунёда инсондан қоладигани яхши хотирадир.

Дарёларнинг ул юзида тўнин қолди, Майсаларнинг кипригидан боғичлари. Менинг қирғий қарашларим — арзи ҳолдир. Сенинг сирли қарашларинг — соғинчларим.

Оқ гул билан қизил гулнинг қирмашгани Нурлар томган бетларингга хол бўлайин. Дарёларнинг ул юзида сирлашгани Балхи рўмол қолган ўша тол бўлайин.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: Анвар Эшонов оила даврасида. (Сурат оила архивидан олинди).

МАСЛАХАТЛАР

Толиқмай десангиз

Баҳор инсон умрининг шифобахш фаслидир. «Соғлигингизни наҳор ва баҳорда дилингиз шодликка тўлишидан билинг» деган эди алломалардан бири.

Одатда баҳор келиши билан кунлар исий бошлайди, табиат бутун борлиги билан уйғонади. Бу сўзсиз одам организмга ижобий (соғлом кишиларга) таъсир қилади. Лекин об-ҳавонинг бир кунда тўрт фаслни эслатиб ўзгарувчан бўлиши салбий таъсир этиши ҳам мумкин. Дониш-

манлар «Кўкламда» илик узиларди, ер одамнинг қувватини олади» — деб бежиз айтишмаган. Ёзда, кузда, қишда истеъмоқ қилинган мева, кўкат ва сабзавотлар таркибидаги дори-дармонларнинг баҳорга борганда қуввати камайди. Шундай кезларда сифатли озиқ-овқатлар,

витаминга бой сабзавотлар: кўк пиез, саримсоқ, сабзи, равоч, исмалок, ялпиз, жағ-жағ, беда, отқулоқ ва мана шу кўкатлардан кўшиб тайёрланган сомса, чучувар, манти, райхон солинган таомларни ейиш жуда фойдалидир.

Булардан ташқари сумалак ва ҳалим каби қонга маъҳам таомлар одамга куч-қувват бағишлайди. Сумалак кўплаб касалликларга даво. Ҳалим эса оқсилга бой, организмга яхши сингади, куч-қувват ато этади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Шарқ дурдоналари



- Қирқ ёш — ёшлиқнинг интиҳоси, эллик ёш — қариллик ибтидоси.
- Кексайганини одам қачон сезади? Буни у орзу-умиддан воз кечиб, фақат хотиралар билан яшай бошлаганида ҳис қилади.
- Ёшлиқда нимани эксанг, улғайганингда шуни ўрсан.
- Қариси бор уйнинг зариси бор.
- Ҳақиқий ҳаёт эллик ёшдан бошланади. Бу ёшда одам чинакамига пишиб етилади, бошқаларга ўрناк олса арзигулик ҳислатларга эга бўлади. Бировларга сабоқ бўладиган нарсаларни тушуниб етади.
- Кексалик доноликни ўргатадиган палла, ёшлик эса уни кўллайдиган пайт.

РИВОЯТ. Кунлардан бир кун Нўшинравон соч-соқолини олдириш учун саройдаги боққа сартарошни чақиртиради. Сартарош қўлини унинг бошига қўйгач, бундай дейди: «Агар сиз, олий ҳазратим, хушрўй қизингизни менга хотинликка берсангиз, мен сизни Қайсар меҳнатидан форуғ этаман».

Нўшинравон ўзича: «Бу одам ўзи нима деяпти?» — деб ўйлаб, унинг сўзларига ҳайрон бўлди. Аммо сартарошнинг қўлидаги устарасидан кўрқиб, бирон қарши сўз айтишга юраги дов бермай: «Жоним билан, фақат сочимни олиб қўйганингдан кейин», — деди.

Нўшинравон сартарош сочини олиб бўлиб кетгандан сўнг кекса маслаҳатгўйи Бузургмеҳрни чақириб, унга бўлган воқеани айтиб берди. Бузургмеҳр сартарошни олиб келишларини буюрди ва ундан сўради: «Сен олий ҳазратнинг сочини олаётганда нима дединг?»

У жавоб берди: «Ҳеч нима». Шунда Бузургмеҳр сартарош турган ерни кавлаб кўришни буюрди. У ердан беҳисоб бойлик топилди. Бузургмеҳр дейди: «Олий ҳазратим, сартарош айтган сўзларни унинг ўзи айтмаган. У гапни ушбу хазина айтган, чунки унинг қўли сизнинг бошингиз тепасида, оёғи ганжина устида бўлган». Араблар айтмоқчи: «Кимки ўз оёғи остида хазина кўрса, у ўз ҳаддидан ортиқ нарсани сўрайди».

Қиссадан ҳисса шуки, қари билганини пари билмас деган нақл жуда тўғри айтилган.

БАЙТ:

Ёшлиқ қувватю, кексанинг ақли — Галаба гарови, бу халқнинг нақли.

- Ҳаракат ва интилишсиз, фидойилик ва меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.
- Илмнинг ибтидоси — ақл, ақлнинг ибтидоси — сабр-тоқат.
- Фақат билмоқлик учун эмас, балки бирор ишни эплай билиш учун ҳам билмоқ зарур.
- Улуғ ишлар чидам ва матонат туфайли амалга ошади.
- Биттагина хайрли иш бир олам илмдан афзал.
- Агар сиз билимдон бўлсангиз, ўзгаларга ҳам уни ўргатинг. Сиздаги нурдан улар ҳам ўз шамчироқларини ёндириб олишсин.

РИВОЯТ. Эронда бир подшо бўлиб, унинг шундай одади бор экан. У жанг қилганда, яхши ташкил этилган ва яхши таъминланган қора либосли алоҳида бир қисм сипоҳлари бўлар экан. Жанг қизиган пайтда ўша сипоҳларига олдинга чиқиб, жанг қилишни буюрар экан. Шундай бўлибдики, ёғи томондан эллик мингга яқин катта қўшин келиб, уруш хавфи туғилибди.

Подшоҳ ўз дилига хуш келган хос одамлар билан мағрур ўтирарди. У жангни бошқа кунга кўчиришни ихтиёр қилибди. Қаламдон ва қалами талаб қилиб, бир парча қоғозга: «Айтинг, қора либосли сипоҳлар қайтсинлар», деб ёзиб уни вазирга берибди. Вазир ўқиб чиқибди, лекин бу гап унга ёқмабди. У ўзининг саҳтиён этигининг кўнжидан қаламдонни олиб, сипоҳ сўзининг остига бир нуқта қўйиб, уни сипоҳдорон қилибди, сўнгра гарданд сўзига битта нун қўшиб, уни «нагарданд» қилибди ва у ўз кўшинига юборибди. Улар мактубни ўқиб чиққач, олға юриб душман сипоҳларига шикаст етказибдилар. Шу боис «Сийар ул-мулк»-да бир нуқта билан 50 минг қилч тор-мор қилинди, деб ёзилган. Шундай қилиб қудратли душмандан ақл-заковат фолиблик қилган экан.

БАЙТ:

Бахшлаганда сен доимо эзмалардан нари қоч, Ҳаманинг тили бурро, ақлчи — оз одамда.

